

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БАРПО ЭТИШДА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎРНИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17116733>

Ҳақлиев В.Б.

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ 2-сон Тошкент Академик лицей катта
ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент*

Аннотация

Ушбу мақолада *Ижтимоий ҳамкорлик* назарияси ҳақида, унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари кўрсатиб берилади. Янги Ўзбекистон барпо этишда ушбу масалага алоҳида эътибор берилиши муҳимдир.

Калит сўзлар

Ўзбекистон, жамият ривожланиши, кишилар, ўзаро муносабат, Ижтимоий ҳамкорлик, миллат, ирқ ва дин, ҳамжихатлик, демократик институтлар – сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ), нодавлат оммавий ахборот воситалари, диний ташкилотлар, жамоат фондлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқалар.

Ижтимоий ҳамкорлик турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжихатлигини ифодаловди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган демократик институтлар – сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ), нодавлат оммавий ахборот воситалари, диний ташкилотлар, жамоат фондлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқаларга кенг шароит яратилгани жамиятда ижтимоий ҳамкорликнинг амалий ифодаси саналади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ижтимоий ҳамкорлик ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни 2014 йилда қабул қилинган, Ушбу қонун 5 боб, 30 моддадан иборат. Қонуннинг мақсади ижтимоий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига

дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектларидир.

Ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунга бўйсунуш;

тенг ҳуқуқлилиқ;

очиқлик ва шаффофлик;

ҳаммабоплик;

мустақиллик;

холислик;

ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият;

мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги.

Ижтимоий шериклик қуйидаги соҳаларда амалга оширилиши мумкин:

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш;

атроф муҳитни, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;

хар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш ва бошқалар;

Ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши кабилар;

Давлат органлари нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда таклифларини кўриб чиқиши шарт.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ги қонуни ислохотлар ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Булардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида “Жамоатчилик назорати тўғрисида” ги қонунни қабул қилиш зарур.” деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган.

Энди ижтимоий ҳамкорликни таъминлашга хизмат қиувчи демократик институтлар ва улар фаолиятидаги асосий муаммоларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий партия фаолиятидаги муаммолар:

- Партиялараро рақобат етарли эмас.
- Сиёсий партиялар электоратга берган ваъдаларини бажарилмаяпти.
- Сиёсий партиялар фаолиятида мудраб ўтириш кайфиятининг мавжудлиги.
- Сиёсий партиялар гуруҳлари орқали парламент ҳамда депутатлик назорати самарали амалга оширмаяпти ва бошқалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятидаги муаммолари:

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга кўмаклашишдан иборатдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотларга сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар кабилар киради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 8 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидаги муаммоларга тўхталди: “.... аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда.”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида юқоридаги муаммоларнинг ечимини ҳам

айтиб ўтади: “Нодавлат нотижорат ташкилотлари бугун айтилган танқидий гаплардан хулоса чиқариб, ўз фаолиятида бурилиш ясайди, деб ишонамиз. Ушбу ижтимоий тузилмалар билан амалий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашини тузиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.”

Инсоният учун энг катта бойлик — тинчлик, унинг манбаи эса ҳамжиҳатликдир. Демак, нодавлат нотижорат ташкилотлар ўзаро тотувлик ҳамда дўстлик, бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллариасосида фаолиятилиб борса мамлакатда барқарорлик натижасида инсон эмин-эркин яшайди, кўзлаган орзусига эришади. Шу жиҳатдан қараганда, бизнинг энг асосий ютуғимиз, Ватанимиз осмонининг мусаффолиги, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик ҳамда ҳамжиҳатлик, дўстлик ва бирдамлик муҳитидир. Бу неъматларнинг қадрига етиш учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Янада огоҳ ва сергак бўлиш, энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жипслигини кўз қорачиғидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.”⁷⁴

⁷⁴ *Муҳаммадиев Н. Бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик //Халқ сўзи, 2016 йил 30 январь.*